



Қ А Р О Р

2010 йил «29» март

№ 58-Қ

Жанубий-Ғарбий магистрал электр тармоқлари корхонасига юқори кучланишли подстанция қуриш учун ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 июлдаги 197-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 мартдаги 03/74-18 сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида Каттакўрғон туман ҳокимининг 2009 йил 28 октябрдаги 790-Қ сонли “Каттакўрғон туман Янгиқўрғонча қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги Бўстон массивининг 48-контуридаги туман ҳокимлиги заҳирасига олинган лалми ер ҳисобидан 8,4 гектар ер майдонини “Ўзэлектртармоқ” унитар корхонасининг Жанубий-Ғарбий магистрал тармоқлари корхонасига юқори кучланишли ПС-220/110 к/Вли подстанциясини қуриш учун ажратиш тўғрисида”ги қарори ҳамда вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг 2010 йил 18 мартдаги 03/2-294 –сонли йиғилиш баёнига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг 2010 йил 18 мартдаги 03/2-294 –сонли йиғилиш баёни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси (М.Рустамов), вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (И.Хамраев)га ушбу йиғилиш баёни иловасида кўрсатилган фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сотиш ҳажмлари, экинларни жойлаштириш ва ер тўғрисидаги ҳисоботларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш сиритиш топширилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2007 йил 16 июлдаги 109-Қ рақамли қарори ўз кучини йўқотган деб исоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ринбосари А.Нурқулов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ў.Барноев